

Ошоба фожиаси Туркистондаги чор боскини манзараларидан бир лавха холос. Шунга карамай, у бизга кўп нарсаларни ойдинлаштириб беради. Рус кўшини осонлик билан юртимизни кўлга киритган эмас. Ўлкани тўла бўйсундириш учун бу вахший тўда дарё-дарё инсон конини окизган. Минг-минглаб кўхна иморатлар вайрон килинган, юзлаб кишлоklar, катта-катта шаҳарлар ёндирилиб, кули кўкка совурилган. Мард ватандошларимиз, номуси, ори мустаҳкам аждодларимиз ёвга осонликча бўйсунмаганлар. Улар она юрт учун, ҳар бир қарич муқаддас тупроқ учун жон олиб, жон бериб, мардона курашганлар. Ошобаликлар жасорати ана шу тенгсиз жанглarning кичик, аммо ибратли намунасидир. Мен бу эрксевар, жасур кишлоқ ахlining сўнги нафасга қадар ёв билан юзма-юз олишгани, ҳатто аёллар ҳам тиз чўкишдан, кул бўлишдан оқ қилгани, ўз шаъни-шавкатини юксак тутганини ўқиб, қойил қолдим. Айни замонда бу кишлоқ фожиаси рус зобитларининг чинакам башарасини ҳам очиб беради. Уларнинг юртимизга осойишталик, эркинлик, тенглик, маданият олиб келганмиз деган даъволари пуч гап, қуруқ, ҳавойи алдамчилик эканини фoш этади.

Тарих ва тақдир

Ошқоралиқ туфайли рус қоризмининг ўлкамизга қилган тажовузига доир турли ҳужжатлар ва манбалар юзага чиқа бошлади. Уларни ўқир эканмиз, бу қўнгилсиз ходисанинг қўлами ва моҳиятини тeранроқ ҳис этамиз. Тарихнинг шу пайтгача яшириб келинган саҳифалари бизга даҳшатли манзараларни, мислсиз ёвузлик ва адолатсизликларни сўзлаб беради.

Очилини айтганда, Туркистондаги йирик шаҳарлар қай тарзда босиб олигани илғари ҳам айрим тарихчи олимларнинг асарларида бир қадар ёритилган эди. Тошкент шаҳри қандай забт этилгани, Чимкент неча марта қўлдан-қўлга ўтгани, Алимқул сардорнинг фидойилиқ билан кураш олиб боргани ва қахрамонларча ҳалок бўлганига доир маълумотлар тарихнавис Ҳамид Зиёевнинг “Тошкентнинг Россияга қўшиб олиниши” (1967) номли рисоласида анча батафсил баён қилинган. Кейинги йилларда шоир Ҳуршид Даврон ва тарихчи олимлар – Ҳайдарбек Бобобеков, Ҳамдам Содиковнинг самарали изланишлари натижасида анча-мунча масалалар ойдинлашди. Ҳозир хорижда босилган айрим тадқиқотлар (Боймирза Ҳайит, Маҳмет Сарой асарлари) нашрга тайёрланмоқда.

Рус боскини манзараларини тасаввур этишимиз учун чор зобитлари ва амалдорлари томонидан ёзилган турли асарлар, мақолалар ва хотиралар ҳам бизга катта ёрдам беради. Мен ўтган йилларда Москвадаги Давлат кутубхонасида бир муддат ишлаб, айрим манбалар билан танишган эдим. Маъжум босқин қандай маққорлик билан тайёрлангани ва амалга оширилгани, унга қимлар бевосита раҳбарлик қилгани, жанг тафсилотлари ҳақида И.А. Терентьев, А.Серебренников, А.Маслов, Н.Гродеков, Н.Куропаткин (булар ниҳоятда кўп, муқаммал рўйхат бир неча бетга чўзилади) сингари зобитларнинг асарларидан кўп маълумотлар олиш мумкин. Қизиги шундаки, ҳатто

боскинчи рус зобитлари биздаги айрим тарихни сохталаштириб кун кўрган олимлардан кўра ростгўйрок, ҳақгўйрок бўлган. Улар ўзи кўрган ёки бевосита иштирок этган дахшатли воқеаларни яширмасдан, окизмай-томизмай ёзиб кетишган экан. Бугунги кунда уларни ўқиб, тарихнинг кўп номаълум сиру асрорлари билан танишамиз.

Мана, кўлимда “Военный сборник” ойномасининг саргайган саҳифалари. Унинг 1987–1901 йиллардаги турли сонларида зобит А.Серебренниковнинг “Кўкон юриши тарихига доир” сарлавхали йирик мақолалар туркуми чоп этилган (жами беш мақола). У рус ҳарбий қароргоҳи ҳужжатлари асосида ёзилгани учун катта қимматга молик. Муаллиф 1875 йилда Кўкон хонлиги ҳудудида рўй берган сиёсий воқеаларни, ҳарбий ҳаракатлар солномасини деярли ҳолислик билан қайд этишга ҳаракат қилган, барча тафсилотларни имкони борича қамраб олишга интилан.

Мен Москванинг рутубатли кунларида бу мақолалар туркумини ўқиганимдан кейин бир неча кунгача ўзимга қелолмай юрдим. Алам ва ўқинч, надомат ва изтироб вужудимни тилкалаб ташлади. Назаримда, шу кунларда шивалаб дамба-дам ёғаётган ёмғир менга кўшилиб йиғлаб, кўнглини бўшатаётгандек ноҳуш таассурот пайдо бўлган эди. Кўз ўнгимда Туркистоннинг биринчи ҳарбий генерал-губернатори фон Кауфман, генерал М.Д.Скобелев, Колпаковский, Троцкий каби дахшатли генераллар, полковник барон Меллер-Закомелский, полковник Пичугин ва бошқа зобитларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган қилмишлари, ёвуз ҳатти-ҳаракатлари жонланди. Оғир саволлар қаршисида ожиз қолдим. “Нега бу дахшатли воқеалар доим сир тутиб келинди, нега тарих китобларида бу қонли манзараларни четлаб ўтиб, рус истилосининг нуқул “прогрессив аҳамияти”ни зўрма-зўраки ёритишга беҳуда қуч сарфладик? Ўтмишимизни яшириб, ҳалқимизни узок йиллар алдаб, кўзини кўр, қулогини қар қилиб нимага эришдик?!”

Мазкур катта мақола вақти-соати келиб тўла таржима этилади ва қенг жамоатчилик ҳуқмига етказилади. Шунинг учун ҳозир унда баён қилинган қичкина тоғ қишлоғи – Ошобада рўй берган қонли бир тўқнашув ҳақида тўхталишга қажм этдим.

Боскинчи рус қўшини Кўкон хонлиги ҳудудига гўё тартиб-интизом ўрнатиш, ҳокимият осойишталигини бузган кўзғолончиларни қазолаш қикоби остида қиритилади. Бунда Ҳудоёрхон, валиаҳд Насриддин ва бошқа амалдорларнинг ҳам машъум хизмати бор, албатта. Ёвуз қора қўшиннинг босган қадамларини қузатсак, у аслида тинч аҳолини беомон қириб, зўравонлик, таловчилик, ваҳшийлик билан шугулланганини кўрамай. Қазо ҳаракатларига рус салтанатининг эркатойига айланган генерал Скобелев раҳбарлик қилади. Унинг ҳамда генерал фон Кауфманнинг бевосита топиригига мувофиқ полковник Пичугин етакчилигида 3-Туркистон ўқчи батальонига қарашли бир неча рота ҳамда Сибир қазаклари бўлинмаси 16 ноябр тоғида Оқжар қечувидан ўтиб, Наманганнинг қарбидаги тоғ қишлоқлари устига юриш бошлайди. Вазифа кўзғолончиларга мадад берган ва уларни яширган аҳолини аёвсиз қазолашдан иборат эди.

Тоғ қишлоқлари орасида катта йўллар йўқлиги учун қамбараклар олинмайди. Қўшин Қамишқўргонда тунни ўтказди. 17 ноябрда эса уларни Шайдон қишлоғи аҳолиси омонлик билан қаршилади. Полковник Пичугин ноиб Мирза Абдулланинг қачувиға мувофиқ азалдан русларга қисбатан адоват билан қараган икки оқсоқолни ҳалқ ўртасида қазолайди ва отряд учун зарур озиқ-овқат ҳамда ем-ҳашак ҳозирлашни буюради.

Шайдондан юқорида – тоғ орасида қойлашган Бободархон қишлоғида отлик кўзғолончилар (рус зобити ўз юртининг озодлиги ва мустақиллиги учун қурашган

фидойиларни ҳамма ерда “шайка” деб атайдилар – О.А.) борлиги аникланади. Пангоз кишлоғида уларга дуч келадилар, учта милтик ўлжа олинади.

Бободархон кишлоғида истикомат килувчи аҳолининг ҳаммаси рус қўшини истикболига бўйин эгиб чиқадилар ва полковник Пичугин талаб этган барча нарсаларни (озик-овкат, от, хатто намотгача – боскинчилар ерга ўтирганда тагидан зах ўтиб кетмасин деган бўлсалар керак. Мехрибончилиқни қаранг-а!) дархол мухайё қиладилар. Шу орада шайдонликлардан чопар келиб, исёнчи Танаберди бошчилигидаги тўдани Шайдон аҳолиси қишлоққа қиритмагани, улар Ошоба тарафга кетгани хабарини етказди. Мақолада баён этилган воқеаларни айнан келтирганимиз маъқул: “Душман бизнинг қучли отрядларимиз билан юзма-юз олишишдан қочиб, яққа-ёлғиз ёки қичик-қичик гуруҳларга қўқисдан ҳужум қилиб қоларди. Унинг бу одатини яхши билган полковник Пичугин Танаберди шайқаси билан тўқнашиш учун тугилган қулай имкониятни бой бергиси қилмади. У 17 ноябрда тоғ йўллари оша Ошобага қараб йўлга чиқди.

Пиёдалар яёв юришди, йигирма бешта аравақаш отга ўн кишилиқ қозонлар ва беш қўнға етадиган озиқ-овкат, ўқ-дори ортилган эди.

Тоғ йўли чуқур жарлиқлар оралаб ўтар, гоҳ пастликка тушиб, гоҳ ўр тортиб узок юришга тўғри қеларди. Бунинг устига тун қоронғилиги аҳволни янада қийинлаштирган эди. 20 қақиримдан ортиқ йўл босган отряд тоғги соат еттиларда тинч ўйқу оғушида ётган қишлоққа етиб қорди.

Отряд билан ёнма-ён тор сўқмоқ йўлдан қелаётган полковник Пичугин йўлга қистирма қўйилганини сезмай қолди. Аммо қаландликка, қишлоқ томонга от қўйиб қетаётган бир неча душман қўриқчисига қўзи тушди.

Уларни тутиш учун 5-Сибир бўлинмаси суворийлари изма-из юборилди. Мазкур бўлинма қишлоққа яқинлашганда, уларга қараб қишлоқдаги деярли ҳар бир қўра, ҳар бир ўйнинг томидан ўқ ёғилди. Ўнг томондаги тепалиқда отлик шайқа пайдо бўлди.

Қазаклар қарров отдан тушдилар, отишма бошланди.

Душмanning муттасил ўқ ёғдириши ва нишонга аниқ ўришига қараганда аҳоли милтиқлар билан яхши қуролланган ва қудофага қўхта тайёргарлик қўрган эди.

Пиёдалар олис йўлдан толиқиб қелишганига қарамай, тепалиққа югуриб қориб ётиб олдилар ва дўнғлар орасига яшириниб, душмanning таъқиб этишга қиришдилар. Отишма ниҳоятда қучли бўлди. Бизнинг ўқчиларимиз қатори қазаклар ҳам тинмай ўқ ўзишарди.

Ниҳоят, қишлоқдан отилаётган ўқлар қиқрақлашди ва ўнг қанотдаги душман ўқчилари орқага қараб қопиб қетаётгани қўринди.

Пиёдалар ҳужумга ўтишди: штабс-қаптан Бертенев раҳбарлигидаги учта взвод қишлоқнинг ўнг томонига, 1-рота қаптани Русанов ихтиёридаги взвод эса қап қанотга ташланди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам қучли қаршилиққа дуч қелишди. Аҳоли тўсиқлар ортидан ва ўйлар ҳамда деворлардаги маҳсус тўйнуқлардан тинмай ўқ отарди.

Бутун қишлоқ мустанкам истехкомга айланган бўлса-да, шиддатли ҳужумга ўтган аскарларни тўхтатиб қилишдан ожиз эди.

Шафқатсиз қиргин бошланди. Ошобалиқларнинг биронтаси ҳам таслим бўлишни хоҳламасди, ҳамма қўлида қурол билан ҳалок бўлди. Хатто хотинлар ҳам қўлига қичок олиб аскарларга ташланар ёки тождан туриб тош билан урар эдилар.

Ҳар бир ҳовлини жанг билан ишғол қилишга тўғри қелди, ҳар бир бурчақда қистирмага йўлиқиш мумкин эди.

Ниҳоят, қишлоқ эгалланди, дуч қелган тирик жон найзадан ўтказилди.

Поручик Журавлев етакчилигидаги 2-ротага қарашли взвод тепалиққа қўтарилишга

муваффақ бўлди ва шу ердан туриб, отлик шайкага карата дўлдек ўк ёғдирди. Шайка жон саклаб қолиш умидида бизнинг ўқларимиз остида доволга ўзини урди ва тезда кўздан гойиб бўлди. Майдонда ўнларча ўликлар қолиб кетди.

Қазаклар батамом холдан тойгани ва тоғ йўлларининг оғирлиги туфайли қочган отлик шайкани қувиб, бирон натижага эришиш қийин эди. Шунинг учун полковник Пичугин таъқибни тўхтатишга қарор қилди.

Эрталабки соат тўққиз яримда жанг тамом бўлди. Фақат ҳар замонда яққа-ёлғиз ўк овозлари эшитиларди: баъзи фидойилар яшириниб ётган жойларидан сакраб чиқиб, бизникиларга қараб ўк отиб қоларди ва у шу заҳотиёқ найзага санчиб ўлдириларди. Ногора қалиб, қўшинни бир ерга тўплашди. Полковник Пичугин уларнинг бир бўлагини қишлоқни қайрон этиш учун жўнатди. Қўп ўтмай қишлоқ қуюқ олов халқаси орасида лавуллаб ёна бошлади. Қўчаларда, бoғ ва ҳовлиларда сочилиб ётган ўликлар ҳам ёниб кетди...

Биз байроқ, нишон, 120 милтик, 60 қилич, 80 найза ва 200 дан қўпроқ батикни ўлжа қилиб олдиқ.

Душман қатта талафот қўрди. Биргина Ошоба қишлоғининг ўзида 150 дан ортиқ мурда топилди. 100 га яқин жасад бoғлар, ўралар ичида ва тоғ ён бағирларида қўзилиб ётарди. Бундан ташқари ёқиб юборилган уйлар ичида ҳам қўп одамлар тириклай ёниб кетди...

Биз ҳам бирмунча қурбон бердик. Икки ўқчи солдат ва бир қазак ўлди. 11 қиши ярадор бўлди, шулардан тўрттасининг жароҳати енгил...

Қейинги қуни, яъни 19 ноябрда отряд Ашт қишлоғига қелди. Аҳоли қўшинни бутунлай итоатқорлик билан қаршилади. Шу қуни қечқурун Окжардаги манзилга қайтилди.

Танаберди, Ботирқул ҳамда бизга номаълум бўлган шайқа бошлиғи Раҳмат Ошобадаги мағлубиятдан қейин Қарвак қишлоғига жойлашдилар. Окжар отряди Наманган бўлимининг шимоли-қарбидаги тоғ қишлоқларида ўта муваффақиятли равишда, намунали тарзда ҳаракат қилдилар. Ошоба қишлоғида исёнчи шайқаларнинг тор-мор этилиши эса атрофдаги аҳолига қучли таъсир этиб, уларни ларзага солди. Улар русларга қарши қурашишнинг оқибати қандай тугабини яхши қилиб олдилар”.

Шундан қейин мақолада фон Кауфман полковник Пичугиннинг “жасурина” ҳатти-ҳаракатларини маъқуллаб, ёзма миннатдорчилик билдиргани, Русанов, Бертенев, Журавлев, Батулин қаб “қаҳрамонлик қўрсатган” зобитлар ва бир қанча аскарлар ҳарбий нишонга тақдим этилгани ва бошқа воқеалар ёритилади.

Ошоба фожиаси Туркистондаги чор босқини манзараларидан бир лавҳа холос. Шунга қарамай, у бизга қўп нарсаларни ойдинлаштириб беради. Рус қўшини осонлик билан юртимизни қўлга қиритган эмас. Ўлқани тўла бўйсундириш учун бу ваҳший тўда дарё-дарё инсон қонини оқизган. Минг-минглаб қўхна иморатлар қайрон қилинган, юзлаб қишлоқлар, қатта-қатта шаҳарлар ёндирилиб, қули қўққа совурилган. Мард ватандошларимиз, номуси, ори мустаҳкам аждодларимиз ёвга осонликча бўйсунмаганлар. Улар она юрт учун, ҳар бир қарич муқаддас тупроқ учун жон олиб, жон бериб, мардона қурашганлар. Ошобалиқлар жасорати ана шу тенгсиз жангларнинг қичик, аммо ибратли намунасидир. Мен бу эрксевар, жасур қишлоқ аҳлининг сўнги нафасга қадар ёв билан юзма-юз олишгани, ҳатто аёллар ҳам тиз чўкишдан, қул бўлишдан орти қилгани, ўз шаъни-шавқатини юксак тутганини ўқиб, қойил қолдим. Айни замонда бу қишлоқ фожиаси рус зобитларининг қинакам башарасини ҳам очиб беради. Уларнинг юртимизга осойишталик, эркинлик, тенглик, маданият олиб қелганмиз деган

даъволари пуч гап, курук, хавойи алдамчилик эканини фош этади.

Шу ўринда ўлкамиздаги ҳамма кишлоклар худди ошобаликлар каби ёвга карши бир жон, бир тан бўлиб курашишга журъат этмаганини ҳам очик айтиш керак. Чор кўшини истикболига бош эгиб, тиз чўкиб чикканлар ҳам кўп бўлган. Улардан айримларининг номи юкорида тилга олиб ўтилди. Хатто Каттакўргон шаҳри аҳолиси битта ҳам ўк узмасдан таслим бўлганки, бу ҳақда рус зобитларининг ўзи гашлик билан сўкиниб ёзганлар. Чунки жанг бўлмагани учун мукофот ва нишон олиш, мансаб пиллапоясидан кўтарилиш имконияти кўлдан кетгани уларга нихоятда алам килган эди. (“Эчкига жон кайгуси, кассобга ёғ кайгуси” деган маколни эсланг!).

Ана шундай осон таслим бўлган кишлоклардан бирининг аянчли такдири машхур киргиз ёзувчиси Тўлаган Косимбековнинг “Синган килич” романида (Турсунбой Адашбоев таржимаси, Тошкент, 1980) анча ишончли тасвирланган. Хар жихатдан ибратли бўлгани учун ана шу асарга бир қадар тўхталиб ўтайлик. Умри тугаб, парокандаликка юз тутган хонлиқдаги ўзаро киргинлар, чорасиз ўзбек ва киргизларнинг аччиқ қисмати, рус аскарларининг хунрезликлари роман саҳифаларида санъаткорона гавдаланиб, калбимиз ва шууримизни ром этади. Муаллиф уйдирмачилик йўлидан бориб, кўпдан-кўп тўқима образларга мурожаат этса-да, барибир, тарихий ҳақиқат мезонларидан чекинмайди. Унда биз камчисидан қон томган, захар, золим Скобелевнинг ёркин қизилган, пухта далилланган сиймосига дуч келамиз. Ёзувчи маҳорати туфайли бағри тош генералнинг ёвуз кирдикорлари тасвирланган саҳифалар чинакам реалистик қудрат қасб этади ва узок вақтларгача калбимизни ларзага солади. Қелинг, яхшиси, шу ўринларни биргалашиб ўқиб чиқайлик:

“Қор икки қун бўралаб ёғиб, эндигина тинган эди. Гўзал Фаргона водийси оқ ҳарир қўйлақ қийган қелинчаққа ўхшайди. Ҳаво муздек. Отряд оппоқ қорда илондек қуваланиб қеларди. (Бўёқлар зиддиятини қаранг: оқ қор ва қора илон. Кишлокларга, тинч аҳолига ўлим олиб келаётган босқинчи аскарларнинг раҳзий қиёфасини муаллиф усталик билан жонлантириб берганига қойил қолиш керак.— О.А.). Уларни Найман кишлогининг аҳолиси қўлларини қўксига қўйиб қутиб олди. Холис ният белгиси сифатида ҳамма оқ белбоғ боғлаб олибди.

Генерал Скобелев Насриддин (Қўқон хони Худоёрхоннинг ўғли — О.А.) билан ёнма-ён туриб тўплаган ҳалойикни қўздан кечирди. Аламзада Насриддин зориқиб, “Қир” деган буйруқнигина қутарди. Соқоли қўксига тушган оқсоқол қорға тиз чўқарқан, таъзим қилиб:

— Раҳм қилинлар, одамзоднинг фарзандлари,— деди. Тилмоч таржима қилди. Генерал мазах қилиб қулди. Қол ўша ҳолатда жавоб қутарди.

— А-га!— деди Скобелев.— Нима? Урушиб бўлдингларми?

— Қесатяпти,— деб тилмоч таржима қилди.

— Қурук ердан ўт қикмайди. Нима қилайлик, ҳаёт тақозоси экан. Мана, тиз буқиб, кечирим сўраяпмиз. Кишлокда қолу қампир ва ёш болалардан бошқа одам қолмаган. Ёқилган бошни қилич қесмайди,— деди оқсоқол.

— Нима?— деб бақирди Насриддин. У Скобелев тек турганини қўриб шаштидан тушди, тилмоч қолнинг гапини генералга аста тушунтирди.

— Бузуқиларни кечириш йўқ, қириб ташланлар,— деб буюрди генерал Скобелев.

Бир ёқдан солдатлар, бир ёқдан Насриддиннинг йигитлари ҳалойикни ўртага олди. Одамлар ўзларини хар томонга ура бошлади. Шунда ҳалиги оқсоқол ҳамқишлоқларини инсофга қақирди.

– Фойдаси йўк. Жон талашманглар.– Барча жим бўлди. Насриддин биринчи бўлиб киличини сугурди. Хаш-паш дегунча кор конга бўялди. Навбат соколи кўксига тушган оксоколга келди.

– Унга тегма,– деди генерал Скобелев.– Мен уни бу ерда тирик колдираман. Энг яхши жазо шу...

Кишлок тўрт томондан куршалиб, хотинларнинг нолиши, гўдакларнинг йигиси ҳаммаёкни тутди. Зўравонлар кўлларига нима илашса олишди. Кош корайганда уйлар хувиллаб колди, итлар ули тортиб, гингшиб изгишга тушди.

Энг охирида генерал Скобелев кишлокда биронта тирик жон колмаслигини, уйларга, молхоналарга ўт кўйишни буюрди. Кишлокда на ит колди, на ёнгиндан кочиб дарахтга тирмашган мушук колди.

Жазоловчилар отряди ўлжани юклаб, молни хайдаб йўлга тушди. Кишлокдан бурксиган куюнди ва кон хидию бир чеккада оппок соколидан кон аралаш ёш томаётган ёлғиз чол колди”.

Дахшатли тасвир! Ёзувчи воқеаларга аралашиб, шархлаб ўтирмайди. Бечора оксокол чол ҳам, шафкат кутиб ок белбоғ боғлаб олган одамлар ҳам, золим Скобелев ҳам, ундан қолишмайдиган югурдак Насриддин ҳам бир-икки чизги воситасида жонли, аниқ гавадаланади. Ёзувчининг холис, совуқкон нигоҳида шафкатсизлик бор. У киргин манзараларини синчковлик билан суратлантирар экан, турли деталлар, тафсилотларни ўринли кўллай боради. Парчани ўқир эканмиз, хотинларнинг ноласи, чиркираб йиглаётган гўдаклар фарёдини эшитиб сесканиб кетамиз, ули тортиб гингшиган итлар, ёнгиндан кочиб дарахтларга тирмашган мушуклар кўз ўнгимизда аниқ жонланиб, фожиани бўрттириб кўрсатади. Муаллиф чор боскинчилари хақида бир огиз ёмон гап айтиб, хакоратомуз, ножўя сўзлар ишлатиб ўтирмайди. Бу вазифани генерал ва аскарларнинг килмиши, хатти-харакатларининг ўзи яхши бажаради.

Мустамлакачиларнинг ёвуз киёфасини, киргин ва ўлим уругини сепиб, юртни қандай конга ботиргани хақида яққол тасаввур беради. Ёзувчи очик айтмаган, аммо кўзда тутган боскинчи кўшинга нисбатан беадад нафрат хисси ўқувчи калбига беихтиёр кўчиб ўтади. Тарихчи олимларимиз ва ҳукмрон мафкура огиз кўпиртириб мактаган “ихтиёрий кўшилиш” қай тарзда амалга оширилганини хис этгач, бояги нафрат туйғуси икки хисса кучаяди. Энди унинг тиги мустамлакачилар билан бирга уларнинг содик югурдагига, химоячиларига айланиб, хақиқатни яшириб келган маддох мафкура тўтиқушларига ҳам қаратилади. Боскинчи кўшиндан меҳр-шафкат кутиб алданган бечора ҳалойикнинг аччиқ қисматига қаттиқ ачинамиз. Халқимизда “Тиз чўкиб яшагандан кўра тик туриб ўлган яхши!” деган мақол бор. Юқоридагига ўхшаб хор-зорликда беҳуда ўлгандан кўра мардона қурашиб шаҳид бўлган афзал эмасми?..

Мен Ошоба кишлоғида бўлган эмасман. У ердаги одамларни, Ватан мустақиллиги йўлида азиз жонларини аямаган фидойи қаҳрамонларнинг қорислари – набиралари, эвара, чевараларини ҳали кўрганим йўқ. Аммо олис аждодларимизнинг эрксевар руҳини, жасоратини бағрига жойлай олган ошобаликлар Туркистондаги қаҳрамон кишлоқлардан бирида тугилиб-ўсганликлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди деб биламан.

Тўғри, бу кишлоқдаги жанг ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган эмас. У дахшатли киргинларнинг кичик бир тоқиси, ҳолос. Аммо тоғ одамларининг жасорати, мардлиги, эрксеварлиги таҳсинга сазовор. Улар хақида кўшиқлар тўқилса, йирик асарлар ёзилса арзийди.

Биз рус халқидан тарихни қандай ардорқлашни ҳам ўрганишимиз зарурга ўхшайди.

Улар мўгуллар устидан козонилган галаба шарафига Куликово майдонида улкан ёдгорликлар тиклаб қўйишган. Бородино жанги хотираси учун мухташам обидалар ўрнатишган. Севастопол мудофасини жонлантирувчи панорамалар барпо этишган. Бу жойлар кадамжого, зиёратгоҳга айланган.

Ўзбекистонда эса миллий гуруримизни юксалтирадиган бундай обидалар қуриш, афсуски, хануз ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келгани йўқ. Бунинг ўрнига биз бутунлай бошқа манзараларни қўрамиз. Азим Самарканд остонасида – Чўпонота тепаликларида чор боскинчи аскарларига қўйилган улкан обида ҳамон савлат тўкиб турибди. Неча бор гап-сўз бўлганига карамай, уни бузиб ташлайдиган марди-майдон негадир топилмаяпти. Мен бу ёдгорлик Ватан мустақиллиги йўлида курашиб ҳалок бўлган инсонлар, улуғ аждодларимиз хотирасини топташ, уларга нисбатан қилинган жуда катта ҳурматсизлик деб биламан. Айни замонда ўлкамизнинг бирон-бир бурчагида – на Тошкентда, на Самарканд, на Қўқону Хевада боскинчиларга бўйин эгмасдан, тиз чўкиб яшашдан қўра мардона ўлимни афзал қўрган фидойи қахрамонлар хотирасига қўйилган бирон-бир ёдгорлик ёки оддийгина лавҳа борлигидан хабарим йўқ. Нега биз уларни эсламаймиз, эъзозлаб, бошимизга қўтармаймиз?! Шу оддий инсоний бурчни, эзгу вазифани бажариш учун йиллаб бошқа жойдан буйруқ, фармон кутиб қўл ковуштириб яшашимиз керакми?! Ватан озодлиги, Туркистон мустақиллиги йўлида курашиб ҳалок бўлган фидойиларни юртимиз қахрамонлари сифатида улуглаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади. Ҳар бир қишлоқ ва шаҳарда уларга ёдгорликлар тикланиши, уларнинг қорлоқ хотираси эъзозланиши шарт. Балки, бу эзгу ишни биринчи бўлиб ошобаликлар бошлаб беришар? Ҳар ҳолда бу жасур тоғ қишлоғида – қахрамон аждодлар яшаган муқаддас масканда Озодлик ҳайкали тикланишига ишонгим келади.

Рус боскинчи қўшинига қарши мардона курашган ва таслим бўлмаган Ошоба қахрамонларининг жасорати тарих дарсликларида ёритилиши, ёш авлодни Ватан мустақиллигини, эркини баланд тутувчи мард, жасур, жанговар қишлоқ қишлоқ тарбиялашда намуна сифатида олиниши зарур. Уларнинг юксак жасорати ана шундай ардоқланишга ҳар жиҳатдан лойиқ.

Бугун жумҳуриятимиз мустақилликка эришган қутлуг айёмда ошобалик шаҳидлар руҳи олдида таъзим қиламан. Уларнинг қорлоқ руҳи Оллоҳ марҳаматига сазовор бўлсин. Омин!

Ортиқбой Абдуллаев